



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ KUMITASINING**  
**QARORI**

**Tabiiy gazga kўshimcha foyda soliғini hisoblab chiqarish va budgetga tўlash tartibi tўғrisidaги nizomga ўzgartiriшlar kiritish haқida**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сон қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Табиий газга кўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,

2019 йил “25” март,  
44 - сон



**Д. Кучкаров**

**Давлат солиқ кўмитаси раиси**

Тошкент ш.,

2019 йил “25” март,  
2019-22 - сон



**Б. Мусаев**



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
ва Давлат солиқ кўмитасининг  
2019 йил 25 мартдаги  
44, 2019-22-сон қарорига  
ИЛОВА

**Табиий газга кўшимча фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“соф кўшимча фойда – кўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, ер қаъридан  
фойдаланганлик учун солиқ чегириб ташланган, ҳисобот давридаги кўшимча фойда  
суммасидир.”.

2. 15-банддаги “Иқтисодиёт вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва саноат  
вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Илованинг 060-сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ Кўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ___% ставкада (050-сатр х ___%)	060	АҚШ долл.			
--	-----	--------------	--	--	--

